

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЧИЛОВ ИЛМУРАД НЕЙМАТОВИЧ

**ПАРРАНДАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2025

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Ачилов Илмурад Нейматович

Паррандачилик тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий
асосларини такомиллаштириш 3

Ачилов Илмурад Нейматович

Совершенствование организационно-экономических основ развития
птицеводческой отрасли 27

Achilov Ilmurad Neymatovich

Improving the organizational and economic basis for the development of poultry
farming 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЧИЛОВ ИЛМУРАД НЕЙМАТОВИЧ

**ПАРРАНДАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Iqt3197 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Сухроб Рустамович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Абдурашид Маджитович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Садуллаев Улуғбек Норқулович
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2025 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2025 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Н.С.Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида содир бўлаётган глобал иқлим ўзгариши, давлатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий вазиятларнинг кескинлашиши каби омиллар таъсирида дунё озиқ-овқат маҳсулотлари бозоридаги рақобат курашининг кучайиши аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Шу боис, паррандачилик тармоғини замонавий технологиялар асосида барқарор ривожлантириш, аҳолини парранда гўштлари билан меъёр даражасида таъминлаш мақсадга мувофиқдир. ФАОнинг маълумотларига кўра, “... жаҳонда парранда гўштини етиштиришнинг йиллик ҳажми 2026 йилга келиб 13 фоизга ошиши”¹ башорат қилинган. Бу эса, парранда гўштини етиштириш ҳажмини ошириш билан бирга, уларнинг турлари бўйича физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган рацион асосида боқиш ва унинг таркибини унумдор озуқа моддалари билан бойитиш истиқболда табиий ҳамда экологик тоза паррандачилик маҳсулотларини кўпайтиришни тақозо этади.

Глобал иқлим ўзгариши ҳамда пандемия шароитида жаҳонда паррандачилик билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассаса ва марказларида паррандаларнинг генофондини сақлаш ва турларини кўпайтириш, озуқа рационларини оптималлаштириш, паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва тармоққа фан-техника тараққиёти ютуқларини тадбиқ этиш йўналишларида муҳим илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Шунинг билан бир қаторда, паррандачилик тармоғида рақобатбардошликни ошириш ҳисобига гўшт маҳсулотлари баҳосининг ўсиши ҳамда паррандаларда учрайдиган хавфли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, паррандачилик корхоналари фаолиятига инновацион техника ва технологияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш каби муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда паррандачилик тармоғини давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ички ва ташқи бозорларга йўналтириш учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, тармоқ маҳсулотларини қайта ишлаш орқали олинadиган аҳоли истеъмол товарларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги, сифати ва ҳажмини ошириш, паррандачилик хўжаликларининг озуқага бўлган талабини барқарор таъминлаш чора-тадбирларини жорий қилиш, соҳага кенг аҳоли қатламларини жалб этиш ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, тармоқда илмий-техник ёндашувлар ва ахборот технологиясидан самарали фойдаланиш асосида паррандачилик соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишларига устувор даражада эътибор қаратиб келинмоқда. Шу боис, истиқболда “...чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш, балиқ ва парранда гўшти, шунингдек, сут ишлаб

¹ <https://www.fao.org/3/i7465e/i7465e.pdf>.

чиқаришни барқарор интенсивлаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш...”² масаласи стратегик вазифа қилиб белгилаб олинди. Шу нуқтаи-назардан паррандачилик тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4015-сон “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 14 июндаги ПҚ-5146-сон “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 15 июндаги ПҚ-281-сон “Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий модернизацциялаш шароитида паррандачилик соҳасини интенсив ривожлантириш, паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича маҳаллий ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимлари томонидан турли йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, МДХ давлатлари олимларидан Белякова Л.С., Варигина Е.С., Окунева Т.С., Гуцин В.В., Горбунов С.И., Жигалин М.М., Клочков К.Н., Фисинин В.И.³ ва бошқа иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида паррандачилик соҳасига инновацияларни жорий этиш, парранда гўшти ва тухумига талаб ҳамда таклифнинг ўзгаришлари асосида соҳани бозор конъюктурасига мос ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз аграр иқтисодчи олимларидан Р.Ҳ.Хусанов, Қ.А.Чориев, Т.Х.Фармонов, Н.С.Хушматов, М.Қосимов⁴ каби кўплаб олимларнинг илмий

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. – <https://lex.uz/docs/4567334>.

³ Белякова Л.С., Варигина Е.С., Окунева Т.С. Производство яиц и мяса перепелов в современных условиях: методические указания. – Сергиев Посад, 2011. – 88 с.; Гуцин В.В. и др. Новые решения в производстве птицеводческой продукции и переработке птицы и яиц. – Ржавки, 2008. – 208 с.; Горбунов С.И. и др. Основные тенденции и перспективы развития рынка перепелиного яйца и мяса: монография. – Саратов, 2012. – 84 с.; Жигалин М.М. Проблемы формирования и экономического развития птицепродуктового комплекса: теория, методология, практика. – Москва, 1998. – 436 с.; Клочков К.Н. Направления развития научно-технического прогресса в птицеводстве: теория, методология, практика. – Саратов: Изд-во “Эмос”, 2002. – 286 с.; Фисинин В.И. Достижения в современном птицеводстве: исследования и инновации. – Сергиев Посад, 2009. – 424 с.

⁴ Хусанов Р.Ҳ., Қосимов М. Деҳқон хўжалигини юриштиришнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 104 б.; Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва

изланишлари асосан қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжалиklarини ташкил қилиш, уларнинг бошқа хўжалик субъектлари билан муносабатларини қўшилган қиймат занжири доирасида мувофиқлаштириш ва бошқариш каби эътиборга молик муҳим йўналишларга бағишланган.

Бевосита чорвачилик соҳасига боғлиқ муаммолар У.М.Қуччиев, У.Н.Садуллаев, Ў.Худайбердиев, Ш.Файзиева, А.Х.Юлдашев, С.Абдуллаева⁵ ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган бўлиб, улар чорва маҳсулотларини етиштириш самарадорлиги ва сифатини ошириш каби илмий-амалий ишланмаларга асосий эътибор қаратишган. Шунингдек, М.Рахматалиев⁶ паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш муаммоларига бағишланган илмий-тадқиқот ишларини амалга оширган. Аммо, бизнингча, деҳқон ва томорқа хўжалиklarида паррандачилик соҳасини бозор механизми ва тамойиллари асосида ривожлантириш, хўжалиklarда паррандачилик маҳсулотлари сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммолари бугунги кунда етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шу боис, паррандачилик соҳасига боғлиқ юқорида қайд этилган ва бошқа қатор муаммолар, жумладан, паррандачилик тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади паррандачилик тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

паррандачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлиги ва уни баҳолашнинг услубий асосларини назарий жиҳатдан асослаш;

рағбатлантириш истиқболлари (услубий тавсиялар). - Тошкент, 2014. - 10 б.; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Дис. ... иқт. фан. док. - Т., 2006 й., - 83-85-б.; Хушматов Н.С. Деҳқон (фермер) хўжалиklarини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш. Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 1994. - 22 б.

⁵ Қуччиев У.М. Чорвачилик хўжалиklarига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. - и.ф.д. дисс. автореф. - Тошкент, 2020.- 81 б.; Садуллаев У.Н. Гўшт ва сут етиштириш соҳасини модернизациялашни рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари. - и.ф.ф.д. (PhD) дис. автореф. - Тошкент, 2020. - 52 б.; Худайбердиев У.Э. Қорамолчилик тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўналишлари. - и.ф.ф.д. (PhD) дис. автореф. - Тошкент, 2023. - 57 б.; Файзиева Ш. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarининг ривожланиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш. - дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 1994. - 77-79 б.; Юлдашев А.Х. Деҳқон хўжалиklarида чорвачилик // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2001. - №5. - 27-28 б.; Абдуллаева С. Чорвачилик тармоғининг ривожланиш йўналишлари // Иқтисодиёт ва таълим, 2011. - №6. - 82-85 б.

⁶ Рахматалиев М. Паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари. - иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2022. - 52 б.

майда товар хўжаликларида паррандачилик маҳсулотларини етиштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва уни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари бўйича илмий ва амалий жиҳатдан таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз паррандачилик тармоғини ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва деҳқон хўжаликларида паррандачилик маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

паррандачилик маҳсулотларини етиштиришда озуқа маҳсулотлари таъминоти самарадорлигини баҳолаш;

паррандачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш йўллари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

деҳқон хўжаликларида паррандачилик маҳсулотларини етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

деҳқон хўжаликларида паррандачилик маҳсулотларини етиштиришнинг истиқболли параметрларини баҳолаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республика қишлоқ хўжалигида паррандачилик йўналишида фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари танлаб олинган. Монографик тадқиқот Қашқадарё вилоятида олиб борилган.

Тадқиқотнинг предмети паррандачилик тармоғини ривожлантириш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил қилиш, мантиқий ва абстракт фикрлаш, монографик ўрганиш, анкета сўровномаларини ўтказиш ва ARIMA методидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

паррандаларни парваришlash давридаги озуқа сарфи, унинг парранда гўшти таннархидаги улушининг самарадорликка таъсири асосида парранда гўштини етиштириш самарадорлиги ҳамда тухум олишнинг интенсивлик даражасини аниқлаш бўйича услубий ёндашув такомиллаштирилган;

паррандачилик хўжаликларида хизмат кўрсатувчи кўчма (мобил) ветеринария лабораториялари ҳамда маҳаллий хонаки парранда турларини боқишга ихтисослашган намунавий хўжаликларни ташкил этиш асосланган;

деҳқон хўжаликларида ноанъанавий паррандачиликни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқарилган тухумларни сотиб олувчи субъектларни давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари таклиф этилган;

деҳқон хўжаликларида паррандалар бош сони ва паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг 2028 йилгача бўлган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

етиштирилган парранда маҳсулотлари ҳажми, уларни ишлаб чиқаришга сарфланган ресурслардан фойдаланиш даражаси ва жорий йил якуни бўйича олинган даромад каби кўрсаткичлар орқали паррандачиликнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий ёндашув тавсия этилган;

паррандачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ҳудудий, техник ва технологик, ташкилий-иқтисодий, биологик, ижтимоий, экологик, иқтисодий, маркетинг йўналишларда ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

деҳқон хўжаликларида паррандачиликни ривожлантириш, парранда маҳсулотларини етиштириш ва уларни сотиш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш механизмлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг паррандачилик соҳасини ривожлантириш, маҳсулотларни етиштириш ҳажми, сифати ва самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, илмий янгиликлар ва амалий тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклифлар озуқа рационлари ва компонентларини оптималлаштириш ҳисобига парранда гўштини ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда тухум олишнинг интенсивлик даражасини аниқлаш паррандачилик маҳсулотлари бозорининг рақобатбардошлик даражасини оширишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, паррандачилик хўжаликларига хизмат кўрсатувчи кўчма (мобил) ветеринария лабораториялари ҳамда маҳаллий хонаки паррандалар боқишга ихтисослашган намунавий хўжаликларни ташкил этиш, паррандачилик тармоғини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, деҳқон хўжаликларида паррандачилик маҳсулотларини етиштириш истиқболларига оид дастурлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда олий ўқув юртларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паррандачилик тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

паррандаларни парваришлаш давридаги озуқа сарфи, унинг парранда гўшти таннархидаги улушининг самарадорликка таъсири асосида парранда гўштини етиштириш самарадорлиги ҳамда тухум олишнинг интенсивлик даражасини аниқлаш бўйича услубий ёндашув Қашқадарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2024 йил 23 сентябрдаги 01/03-1432/АР-сонли маълумотнома). Натижада паррандачилик хўжаликларида парранда гўштини етиштириш самарадорлиги ва тухум йўналишидаги паррандаларнинг интенсивлик даражасини аниқлаш имконияти яратилади;

паррандачилик хўжаликларига хизмат кўрсатувчи кўчма (мобил) ветеринария лабораториялари ҳамда маҳаллий хонаки парранда турларини

боқишга ихтисослашган намунавий хўжаликларни ташкил этиш таклифи Қашқадарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2024 йил 23 сентябрдаги 01/03-1432/АР-сонли маълумотнома). Натижада деҳқон хўжаликларида паррандаларнинг касалликлари эрта аниқланиб, уларга қарши курашиш ҳисобига парваришлаб келинаётган маҳаллий парранда зотларини сақлаб қолиш ҳамда икки минг бош паррандага эга намунавий хўжаликларни ташкил этиш имконияти яратилади;

деҳқон хўжаликларида ноанъанавий паррандачиликни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқарилган тухумларни сотиб олувчи субъектларни давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари бўйича таклифи Қашқадарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2024 йил 23 сентябрдаги 01/03-1432/АР-сонли маълумотнома). Натижада, деҳқон хўжаликларида паррандаларни парваришлаш ҳамда етиштирилган тухумни сотиб олувчилар давлат томонидан лизинг ажратиш, субсидия бериш, кредит ставкасидан чегирма бериш орқали рағбатлантирилади;

деҳқон хўжаликларида паррандалар бош сони ва паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг 2028 йилгача бўлган прогноз параметрлари Қашқадарё вилоятида истиқболда паррандачиликни ривожлантиришнинг прогноз параметрларида фойдаланилган (Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2024 йил 23 сентябрдаги 01/03-1432/АР-сонли маълумотнома). Натижада, 2028 йилга бориб, деҳқон ва томорқа хўжаликларда паррандалар бош сони 5529,6 минг бошдан ортиқни ташкил этиши, шунингдек 4349,1 млн. донадан ортиқ тухум, 178,4 минг тоннадан ортиқ парранда гўшти етиштирилиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, шундан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 146 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва

амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Паррандачилик маҳсулотларини етиштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда паррандачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигининг назарий асослари, паррандачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари, майда товар хўжаликларида паррандачилик маҳсулотларини етиштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Паррандачилик ҳозирги шароитда нисбатан саноатлашганлиги, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг чуқур ихтисослашуви ва концентрацияси билан ажралиб туради. Аммо, таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатимизда ушбу муҳим тармоқни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг эришилган даражаси рақамли иқтисодиёт ва ресурстежамкор технологиялар талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Зеро, паррандачиликда замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш қисқа муддатларда парранда гўшти ва тухумини етиштириш ҳажмини ошириш билан бирга, соҳадаги мавжуд имконият ва қувватларни интенсив равишда ишга солиш ҳамда техник-технологик камчиликларни бартараф этиш жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ, бизнингча, ҳозирги иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида паррандачиликни барқарор ривожлантириш, парранда маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини яхшилашда нафақат техник-технологик омиллар, балки, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш ва жорий этиш лозим. Шу жиҳатдан, фикримизча, ташкилий-иқтисодий механизм қуйидаги таркибий элементларнинг комбинацияси сифатида ифодаланиши лозим. Яъни, ягона ташкилий-таркибий тузилма яратиш, ўзаро муносабатлар ва молиявий оқимларни мувофиқлаштириш ва рақамлаштириш, замонавий бошқариш усул ва воситаларини жорий этиш, паррандачилик соҳасини барқарор ривожлантириш ва маҳсулотлар самарадорлигини оширишга қаратилган инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш стратегияси ва чора-тадбирларини режалаштириш, уларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш, имтиёзли кредитлаш ва бошқалар.

Юқоридаги ташкилий-иқтисодий механизм элементларининг амалиётда талаб даражасида эътиборга олинмаётганлиги ҳамда бошқа кўплаб объектив ва субъектив омиллар туфайли майда товар хўжаликларида қуйидаги бир қатор йўналишларда муаммоларнинг йиғилиб қолганлиги деҳқон хўжаликларида паррандачиликнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, жумладан:

узоқ йиллар давомида деҳқон хўжаликларида етиштирилган тухум ва товуқ гўштини сотиш ва қайта ишлаш тизими уларнинг манфаатларига мос йўлга қўйилмаганлиги сабабли аҳолида маҳсулот ҳажмини оширишга бўлган қизиқиш ва интилиш пасайиб борган;

аҳоли хонадонлари паррандачилигида анъанавий усул, тухум ва гўшт этиштиришда тор ихтисослашув сақланиб қолганлиги натижасида тармоқни диверсификация қилишда иқтисодий манфаатдорлик таъминланмаган;

майда товар субъектлари, жумладан, деҳқон хўжаликларидан маҳсулот йиғиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлашда яхлит тузилмани ташкил этишга етарлича эътибор берилмаганлиги боис, анъанавий сотиш усуллари ҳамон сақланиб қолган. Бу эса, ўз навбатида хўжаликларга ўз маҳсулотларини арзон нархларда сотишга мажбур этса, харидорларда гигиеник талаблар ва бошқа техник кўрсаткичларга бўлган салбий қарашларни юзага келтирмоқда;

парранда зотларини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш ва улар билан аҳоли хонадонларини таъминлаш борасидаги илмий-тадқиқотларга етарлича эътибор берилмаётганлиги, янги зотларни маҳаллий шароитга мослаштириш (адаптацияси) тадбирлари ва турли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари етарлича тадқиқ этилмаганлиги каби камчиликларнинг мавжудлиги туфайли соҳада илмий натижадорлик пастлигича қолмоқда;

ноанъанавий парранда турлари, жумладан, бедана, ғоз, курка гўшти ва тухумини этиштириш борасида маҳаллий аҳолида билим, малака ва тажриба этишмаслиги, ушбу маҳсулотларни сотишга бўлган эътиборнинг камлиги боис, ноанъанавий сердаромад паррандачилик соҳаларини ривожлантириш суст кечмоқда;

деҳқон хўжаликларида паррандаларни илмий асосда парваришлаш учун рационлар таркибида зарур тўйимли озуқа турлари этишмаслиги сабабли, асосан буғдой, арпа билан озиқлантирилиши, уларнинг хонаки паррандаларга таъсири етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги каби сабаблар натижасида паррандаларнинг маҳсулдорлиги пастлигича қолмоқда;

паррандачилик маҳсулотларини турлари бўйича сотишда тегишли бозор сегментларининг деярли йўқлиги ва келгусида уларни ривожлантириш учун рағбатлантириш механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги парранда гўшти ва тухумини ўз муддатида сифатли сотишга салбий таъсир кўрсатмоқда;

деҳқон хўжаликларида паррандалар асосан оддий катакларда боқилиб, замонавий технологиялар, зотли паррандалар харид қилиш ва жорий этишга молиявий имкониятларининг камлиги ҳам уларда паррандачилик соҳасининг суст ривожланишига сабаб бўлмоқда;

паррандачилик маҳсулотларини этиштириш, уларни истеъмолчиларга сотишгача бўлган жараёнларни ва соҳа фаолияти билан боғлиқ субъектлар ўртасидаги муносабатларни ўзаро манфаатдорлик тамойил ва механизмлари асосида мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи рақамли электрон платформа ҳамда технологик воситаларни жорий этишга эътибор пастлигича қолмоқда.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг замон талабларига мос равишда етарли даражада ҳал этилмаганлиги натижасида, ҳозирги шароитда деҳқон хўжаликларининг аксарияти парранда гўшти ва тухум ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда сифатини ошириш орқали юқори даромадли, шунингдек, кўшилган қий-матли фаолият юритиш имкониятларидан тўлиқ фойдалана олишмаяпти.

Маълумки, паррандачилик соҳасининг иқтисодий самарадорлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сифати ва баҳоси, ресурслардан фойдаланиш

харажатлари, ялпи даромад ва фойда каби кўрсаткичлар орқали баҳоланади. Ушбу кўрсаткичлар тизими ёрдамида хўжаликлар фаолиятини таҳлил этиш ва таққослама баҳолаш имконияти яратилади. Масалан, халқаро амалиётда бройлер етиштириш самарадорлигини ҳисоблашда Европа самарадорлиги индекси (ЕСИ) усули кенг қўлланилади, жумладан:

$$ЕСИ = \frac{\text{(Вазнинг ортиши х Озуқа конверцияси)}}{\text{Бройлерларнинг сақланиш даражаси, \%}} \quad (1)$$

Аммо, ушбу формулани қўллаш орқали олинган натижа бозор ҳолатини деярли ҳисобга олмайди. Шу боис, муаллиф томонидан парранда гўштини етиштириш самарадорлиги (ПГЕС)ни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш тавсия этилади:

$$ПГЕС = \frac{\text{(БрС} \cdot \text{ТВ)} \cdot \text{(ББ} \cdot \text{0,7)}}{\text{ББД} \cdot \text{БС} \cdot \text{ОБ}} \quad (2)$$

бунда, БрС – боқилган бройлерлар сони, бош; ТВ – боқув даври сўнгида бир бош бройлернинг ўртача тирик вазни, кг; ББ – 1 кг парранда гўштининг ўртача бозор баҳоси, сўм; ББД – бройлерни боқув даври, кун; БС – бройлерларни боқув давридаги омухта ем сарфи, кун/кг; ОБ – 1 кг омухта емнинг ўртача баҳоси, сўм; 0,7 – бройлер жўжадан ўртача гўшт чиқиш салмоғи, %.

Аммо, товукларни боқишда маҳсулдорлик муддатининг давомийлиги нафақат уларнинг генетик потенциали, балки иқтисодий омиллар (озуқа баҳоси, жўжалар сифати, тухум ва гўшт таннархи) билан белгиланиши керак. Бу барча кўрсаткичлар ўзаро боғланган бўлиб, тухум етиштиришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги чегарасини биргаликда шакллантиради.

Шу боис, деҳқон ва томорқа хўжаликларида тухум йўналишидаги паррандаларнинг интенсивлик даражасини ($I_{\text{дар}}$) баҳолаш юзасидан услубий тавсия тақдим этилмоқда, яъни:

$$I_{\text{дар}} = \frac{ТС_{\text{а}}}{ТС_{\text{м}} \times 0,8} \quad (3)$$

бу ерда, $ТС_{\text{а}}$ – бир бош товукдан амалда олинган йиллик тухум сони, дона; $ТС_{\text{м}}$ – бир бош товукдан меъёр бўйича олинадиган йиллик тухум сони, дона; 0,8 – деҳқон ва томорқа хўжаликларида тухум йўналишида боқиладиган паррандаларнинг интенсивлик даражаси коэффициентини.

Интенсивлик коэффициентини баҳолашда биринчидан паррандаларнинг зотдорлик даражаси, иккинчидан, озуқа сифати ва учинчидан, сақлаш шароити инобатга олинади. Деҳқон ва томорқа хўжаликларида тухум йўналишидаги паррандаларнинг интенсивлик даражаси 0,8–1,0 оралиғида бўлса “юқори”, 0,7 – 0,8 оралиғида бўлса “ўрта” ва 0,7 дан паст бўлса “қониқарсиз” мезонлар орқали табақали ҳисоблаш асосида уларнинг ҳар бири бўйича тегишли хулоса ва чоратадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, 0,7 коэффициентдан паст “қониқарсиз” мезон гуруҳига мансуб хўжаликларда тухум берадиган товуклар сақлаш самарасиз эканлиги сабабли тавсия этилмайди. Бу услубий ёндашув, бизнингча, деҳқон ва томорқа хўжаликларида нафақат тухум ишлаб чиқариш ҳажмини, балки, тухум берадиган паррандаларнинг интенсивлик даражасини тўғри баҳолаш асосида паррандачилик соҳасининг

самарадорлигини оширишга қаратилган самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот ишида майда товар хўжаликлар фаолиятида паррандачиликни ривожлантириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишга асосий эътибор қаратилди. Жумладан, Бангладешнинг “Кичик паррандачиликни ривожлантириш” модели республикамиз шароитига мос келиши ва ундан фойдаланиш чора-тадбирлари асослаб берилди. Шунингдек, Россия, Туркия каби паррандачилик яхши ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари ва эришган ютуқларига таянган ҳолда қуйидаги тадбирларни республикамизда жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан:

деҳқон хўжаликларида паррандачиликни ривожлантириш бўйича алоҳида ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган давлат дастурларини қабул қилиш ва унда барча бўғин иштирокчиларини қамраб олиш тажрибасини синов тариқасида жорий этиш мақсадга мувофиқ (Бангладеш тажрибаси);

чекка ҳудудларда жойлашган кичик хўжаликлардан паррандачилик маҳсулотларини марказлашган ҳолда йиғиб олиб, савдосини ташкил этишда замонавий музлаткичли транспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида қўлланиладиган лизинг механизмларидан фойдаланиш яхши самара беради (Бангладеш тажрибаси);

худудий шарт-шароит ва хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджет маблағларидан паррандачиликни барқарор ривожлантириш учун деҳқон хўжаликларига табақаланган тартибда индивидуал субсидия бериш, унинг ҳуқуқий-иқтисодий механизмларини жорий этиш (Россия тажрибаси);

деҳқон хўжаликларида паррандачилик соҳасига импорт қилинадиган озуқа ҳамда унинг қўшимчалари (витаминлар ва премикслар) учун ҚҚСнинг имтиёзли ставкаларини жорий этиш (Туркия ва Россия тажрибаси);

яйлов ҳамда хонадон паррандачилиги учун алоҳида зотдор насли паррандалар етиштириш тадқиқотларини молиялаштириш, уларнинг моддий-техник базасини (чодир, мобил катаклар) мустаҳкамлаш учун субсидиялар ажратиш (Бангладеш ва Туркия тажрибаси);

қишлоқ ҳудудларида аҳолини “бир кунлик жўжалар билан таъминлаш марказлари”ни ташкил этиш, етиштирилган маҳсулотларни харид қилишда кооперативларга устуворлик бериш (Туркия тажрибаси).

Диссертациянинг **“Паррандачилик тармоғи самарадорлигининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида мамлакатимизда паррандачилик тармоғини ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва тенденциялари, деҳқон хўжаликларида паррандачилик маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳамда паррандачилик маҳсулотларини етиштиришда озуқа маҳсулотлари таъминотининг ҳозирги ҳолати келтирилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, республикамизда барча тоифадаги хўжаликларда паррандаларнинг бош сони ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 2024 йил 1 январ ҳолатига кўра, мамлакатимизда 103046,5 минг бош парранда мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 14,3 фоизга ошган. Паррандалар бош сонининг деярли 48,1 фоизи Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келади (1-жадвал).

**Республика бўйича паррандалар бош сонининг ўзгариш динамикаси,
минг бош⁷**

№	Худудлар номи	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2023 й.ни 2020 й.га нисбати, %
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	5173,6	4851,7	5196,9	5271,2	101,9
2.	Андижон вилояти	8866,0	8590,8	10536,7	10967,0	123,7
3.	Бухоро вилояти	5466,6	5923,5	6721,2	7830,0	143,2
4.	Жиззах вилояти	3535,7	3456,5	3944,6	3867,1	109,4
5.	Қашқадарё вилояти	6180,3	6174,8	6402,6	6629,6	107,3
6.	Навоий вилояти	3432,3	3248,0	3403,1	3487,8	101,6
7.	Наманган вилояти	6068,1	5528,3	6066,4	7008,5	115,5
8.	Самарқанд вилояти	12408,4	13548,4	14278,5	15317,4	123,4
9.	Сурхондарё вилояти	5032,3	5079,7	5128,2	5365,5	106,6
10.	Сирдарё вилояти	2221,2	3065,1	4315,3	4698,6	2,1 марта
11.	Тошкент вилояти	17308,8	15525,5	16299,6	16750,0	96,8
12.	Фарғона вилояти	9186,2	8621,6	8499,1	8876,1	96,6
13.	Хоразм вилояти	6593,9	6120,5	6518,0	6977,7	105,8
	Жами:	90131,8	89734,4	97310,2	103046,5	114,3

Паррандалар бош сонининг ортиши ҳисобига тухум етиштириш ҳажми ҳам ошган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, барча тоифадаги хўжаликларда тухум етиштириш миқдори 2023 йилда 2020 йилга нисбатан 4,6 фоизга ошган. Яъни, мамлакатимизда 2020 йилда 7825,0 млн. донга тухум етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилга келиб 8487,5 млн. донани ташкил этган. Бироқ, бу ўсиш асосан тармоқнинг экстенсив ривожланиш омили ҳисобига таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тиббий меъёрга мувофиқ, 1 киши бир йил давомида ўртача 208 донга тухум истеъмол қилиши белгиланган. 2020-2023 йиллар давомида республика бўйича аҳоли жон бошига етиштирилган тухум ҳажми меъёрга нисбатан ортиғи билан етиштирилган. Жумладан, республика бўйича 2020 йилда аҳоли жон бошига ўртача 260 донга тухум етиштирилган. Бу кўрсаткич 2023 йилда 230 донани ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан ўртача 11,5 фоизга пасайган. Фақат Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида аҳоли жон бошига тиббий меъёрга нисбатан тухум кам ишлаб чиқарилган.

2023 йилда республикамиздаги мавжуд паррандалар бош сонининг 17,9 фоизи фермер хўжаликлари, 48,5 фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари ва 33,6 фоизи эса қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар улушига тўғри келган. Жами етиштирилган тухумнинг 57,9 фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 15,7 фоизи фермер хўжаликлари, 26,4 фоизи қишлоқ

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган. Аммо, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 2023 йилда паррандалар бош сони 2020 йилга нисбатан 6,1 фоизга камайиб, 49922,1 минг бошни ташкил этишига қарамасдан, товуқлар маҳсулдорлигининг ўсиши ҳисобига таққосланган йилларда тухум етиштириш ҳажми 7,3 фоизга кўпайиб, 4912,8 млн. донани ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал.

Республикадаги хўжалик тоифалари бўйича паррандаларнинг бош сони ва етиштирилган тухум ҳажмининг динамикаси⁸

Хўжаликлар тоифалари	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2023 й.ни 2020 й.га нисбати, %
Паррандалар бош сони, минг бош	90131,8	89734,4	97310,2	103046,5	114,3
ш.ж.: фермер хўжалиги	13323,6	15233,0	16043,9	18479,1	138,7
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	53131,5	51788,5	51518,9	49922,1	93,9
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	23676,7	22712,9	29747,4	34645,3	146,3
Етиштирилган тухум ҳажми, млн. дона	7825,0	8053,1	8129,3	8487,5	104,6
ш.ж.: фермер хўжалиги	1135,0	1203,8	1203,4	1329,8	117,2
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	4579,8	4875,5	5032,3	4912,8	107,3
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2110,2	1973,8	1893,6	2244,9	106,4

Шунингдек, монографик объект сифатида танланган Қашқадарё вилоятида хўжалик тоифалари бўйича паррандаларнинг бош сони ва етиштирилган тухум ҳажмининг динамикаси таҳлил қилинди. Унга кўра, 2023 йилда вилоят бўйича паррандалар бош сони 6629,6 минг бошни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 449,3 минг бошга ёки 7,3 фоизга ошган (3-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2023 йилда деҳқон ва томорқа хўжаликларида паррандалар бош сони 4501,5 минг бошни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 0,4 фоизга ошган. Вилоят бўйича жами паррандалар бош сонининг 67,9 фоизи ва етиштирилган тухумнинг 63,8 фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари улушига тўғри келади. Таққосланган йилларда деҳқон ва томорқа хўжаликларида тухум етиштириш ҳам 7,3 фоизга ортиб, 2023 йилда улар томонидан 361,6 млн. дона ёки 2020 йилга нисбатан 20,5 млн. дона кўпни ташкил қилган.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Қашқадарё вилоятида хўжалик тоифалари бўйича паррандаларнинг бош сони ва етиштирилган тухум ҳажмининг динамикаси⁹

Хўжаликлар тоифалари	Йиллар				2023 й.ни 2020 й.га нисбати, %
	2020	2021	2022	2023	
Паррандалар бош сони, минг бош	6180,3	6174,8	6402,6	6629,6	107,3
ш.ж.: фермер хўжалиги	365,4	439,5	406,3	623,2	170,5
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	4483,1	4475,1	4484,1	4501,5	100,4
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1331,8	1260,2	1512,2	1504,9	113,0
Етиштирилган тухум ҳажми, млн. дона	528,6	519,2	544,5	567,2	107,3
ш.ж.: фермер хўжалиги	16,6	23,3	22,0	29,5	177,7
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	341,1	364,6	380,1	361,6	106,0
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	170,9	131,3	142,4	176,1	103,0

Тухум бераётган товукларнинг ёшига қараб уларнинг озуқа рационини асосан буғдой дони, маккажўхори, соя ва кунгабоқар шроти, ўсимлик ёғи ва озуқа оҳаги (известняк) ташкил этади. Жумладан, уларнинг озуқа рационидида буғдой дони – 38-40, маккажўхори дони – 15-20, соя шроти – 8-15, кунгабоқар шроти – 12-16, ўсимлик ёғи – 2,2-3 ва озуқа оҳаги (известняк) эса 8-8,5 фоизни ташкил этади. Шу нисбатларга асосланиб, монографик тадқиқот олиб борилган деҳқон ва томорқа хўжаликлари маълумотлари орқали тухум берадиган 10 бош ва гўшт берадиган 10 бош паррандалар учун талаб этиладиган жами озуқа ва унинг таркиби таҳлил қилинди. Тухум йўналишидаги парранда учун ўртача кунлик озуқа меъёри 110 г, гўшт йўналишидаги парранда учун эса 92 г ни ташкил этишини ҳисобга олиб, озуқа сарфи баҳоланди. Унга кўра, 20 бош паррандага жами талаб этиладиган йиллик озуқа 737,3 кг ни, шундан тухум берадиган паррандалар учун 401,5 кг, гўшт олинадиган паррандаларга эса 335,8 кг ни ташкил этади.

Шу меъёрларга мувофиқ, ҳар икки йўналишга мансуб паррандаларга сарфланадиган жами озуқа ҳажми ва унинг таркиби кенг таҳлил этилган ҳамда тегишли хулосалар ишлаб чиқилган. Жумладан, паррандаларни илмий асосланган рационларда назарда тутилган меъёрий озуқа турлари билан парваришlash, улар нисбатларини паррандалар айланмасидаги ёшларига мос озиклантириш каби технологик тадбирларни ўз вақтида тўғри ташкил этиш, бизнингча, деҳқон ва томорқа хўжаликларида паррандачиликни барқарор ривожлантириш, гўшт ва тухум етиштириш самарадорлиги ҳамда ушбу соҳа ҳисобига қишлоқ аҳолиси даромадларини оширишга замин яратади.

⁹ Қашқадарё вилоятининг Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Шу боис, паррандачиликни ривожлантириш йўналишларидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш учун Қашқадарё вилоятининг Қарши, Деҳқонобод ва Ғузур туманларида паррандачилик фаолияти билан шуғулланаётган деҳқон ва томорқа хўжаликларида фаолият олиб бораётган 150 нафар респондентлар ўртасида анкета сўровномалари ўтказилди. Улар хўжаликларда паррандаларни парвариш қилиш учун яратилган шарт-шароитларни 3,2 фоизи жуда юқори, 11,8 фоизи юқори, 24,5 фоизи ўрта ва 60,5 фоизи паст даражада эканлигини таъкидлашган. Шунингдек, респондентларнинг 9,2 фоизи паррандаларни боқиш учун озуқа таъминоти жуда юқори, 25,0 фоизи юқори, 40,7 фоизи ўрта ва 25,1 фоизи паст даражада эканлигини билдиришган.

Шу билан бирга, респондентларнинг 69,6 фоизи паррандачиликни ўз маблағлари ҳисобига ривожлантириш, 15,2 фоизи банк кредитидан фойдаланиш қулай эканлигини ва 8,1 фоизи эса ўз маблағларини ўзаро келишилган шартларда бирлаштириб, якуний даромадни табақали тақсимлаш орқали шериклик асосида паррандачиликни ривожлантиришни таъкидлашган. Шунингдек, “паррандаларни қандай озуқалар билан озиқлантирасиз?” деган саволга респондентларнинг 65,2 фоизи буғдой, 20,8 фоизи макка, 11,5 фоизи омухта ем ва 2,5 фоизи кўк масса орқали озиқлантиришларини таъкидлашган.

Умуман, республикада паррандачилик тармоғининг ривожланиши ва самарадорлиги даражасининг ҳозирги ҳолатига оид амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, бизнингча, тармоқнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва паррандаларни зоти, тури ва ёшига мос илмий асосланган рационлар орқали парвариш, импорт қилинадиган озуқа компонентлари учун имтиёзлар бериш, техник-технологик ускуна-жиҳозлар таъминотининг ягона рақамли тизимини яратиш, деҳқон ва томорқа хўжаликлари паррандачилигини янги технологиялар жорий этиш асосида ривожлантириш каби истиқболли чора-тадбирларга устувор даражада эътибор қаратиш лозим.

“Паррандачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш йўналишлари” деб номланган учинчи бобида паррандачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш йўналишлари, деҳқон хўжаликларида паррандачилик маҳсулотларини етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари ҳамда эконометрик моделлаштириш асосида деҳқон ва томорқа хўжаликларида паррандачилик маҳсулотлари ҳажмининг истиқболли параметрларини баҳолашга асосий эътибор қаратилган.

Паррандачиликни ривожлантириш ва маҳсулотларни етиштириш ҳажми ва самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ўзига хос йўналишлар, жумладан, ҳудудий, техник-технологик, ташкилий-таркибий, биологик, ижтимоий, экологик, иқтисодий ва маркетинг билан боғлиқ омил ва тадбирларга асосий эътибор қаратилди.

Жумладан, ҳудудий йўналишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим: ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ички ва ташқи талаб асосида маҳсулот етиштиришни режалаштириш, паррандаларни оптимал ҳудудий жойлаштириш, озуқа таъминотини яхшилаш, хўжаликлар кесимида маҳсулот етиштириш ҳажмини белгилаш ва паррандаларни замонавий технологиялар

асосида парваришlash учун зарур ускуна-жиҳозлар билан таъминlash ва бошқалар.

Техник-технологик йўналишда: юқори маҳсулдор парранда кроссларини боқиш, уларни боқиш технологияларини такомиллаштириш, озуқа таркибида инновацион компонентлардан фойдаланиш, саноатлашган паррандачиликни кенгайтириш ва тухумлар инкубациясини меъёр даражасида ташкил қилиш, паррандаларни сақлашда турли ўлчамли клеткаларни жорий қилиш ва уларда паррандалар учун оптимал микроклимни таъминlash, рационал тўйимли ва сифатли озуқа турларидан фойдаланиш, паррандалар генофонди, бош сонини сақлаш ва кўпайтириш, хўжаликларни сермаҳсул парранда зотлари билан таъминlash ва ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш.

Ташкилий-таркибий йўналишда: парранда маҳсулотларини етиштиришни ихтисослаштириш ва мақбул жойлаштириш, хўжалик юритишнинг замонавий ташкилий-таркибий шакллари ривожлантириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватlash чораларини кенгайтириш ва бошқалар.

Биологик йўналишда: ноанъанавий парранда турлари, зотлари ва сонини кўпайтириш, зооветеринария хизматлари ва назоратини доимий йўлга қўйиш, паррандалар селекцияси ва генетикасини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ижтимоий йўналишда: мутахассис ва ишчи-ходимларни ўзлари фаолият кўрсатаётган меҳнат жамоасининг пировард натижаларини янада яхшилашга бўлган қизиқиш ва интилишларини ошириш; уларнинг меҳнат режими, шарт-шароитлари ва дам олишларини самарали ташкил этиш; юқори натижаларга эришган ходимларни ижтимоий рағбатлантириш.

